

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 82 (11.143)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида тармоқ саноат ярмаркаси ўз ишини бошлади. Ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, соҳа ичидаги ва соҳалараро кооперацияни янада ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган мазкур ярмаркада компания тасарруфидаги корхоналар иштирок этмокда.
Кеча Тошкентда Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюмаси Марказий Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшманинг 2008 йил биринчи чорагида амалга оширган ишлари таҳлили ва галдаги устувор вазифаларга доир масалалар кўриб чиқилди.
Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида университетнинг 90 йиллиги ва Олий педагогика институтининг 15 йиллигига бағишлаб «Миллий гоа, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бўйича педагоглар малакасини ошириш ва уларни касбга қайта тайёрлаш» мавзуида илмий-услубий семинар ташкил этилди.
Тошкент туманида бандликка кўмаклашувчи марказ ташаббуси билан бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада 60 га яқин корхона-ташкilot, 50 дан зиёд фермер хўжаликлари 550 га яқин бўш иш ўринларини тақдир этди. Тадбир давомида 145 нафар маҳаллий хотин-қизлар ишга жойлаштириш, ўрта махсус, касб-хунар коллежларининг 110 нафар талабаси ўз мутахассислиги бўйича ишга қабул қилинди.
Андижон вилояти, Шахрихон туманидаги «Шахрихон-Водий Нури» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси туман марказидаги маданият ва истироҳат боғи ёнида 200 ўринли замонавий қаҳвахона куриб ишга тушириши натижасида маҳаллий ёшлардан 50 таси иш билан таъминланди. Келгусида ушбу фирма банкдан олган кредитни ҳисобига бу ерда нон-булка ва қандолат маҳсулотлари ҳамда музқаймоқ ишлаб чиқариш бўйича цехларни барпо этмокчи. Натижада яна 80 киши иш билан таъминланади.
«Камолот» ЁИХ Андижон вилояти бўлими Кенгаши томонидан ташкил этилган «Аждодлар мероси ва бой тарихимиз — буюклик рамзи» мавзуидаги кўрик-танлов Ватанимиз тарихи билимдонлари учун ўзига хос синов вазифасини ўтади.
Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон ёқилғи энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюмаси Марказий Кенгашининг Тошкент вилояти вакиллик томонидан республикамиз Мустақиллигининг 17 йиллиги ҳамда Ёшлар йилига бағишланган «Она ва бола» анъанавий кўрик-танлови ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ
РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ ТЕННИС МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Юқори тоифали теннисчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш, энг юксак даражадаги халқаро мусобақаларда Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари бўла оладиган мамлакат тарма жамоалари захирасини шакллантириш мақсадида:
1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими ва зирлиги, Молия вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Теннис федерациясининг Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.
2. Қўйидагилар Республика теннис мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин: юқори тоифали теннисчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машуғул жараёнини ташкил этиш учун зарур замонавий моддий-техника базасини ва малакали мураббийлар таркибини яратиш;
зарур ҳолларда хорикдан мураббий-мутахассисларни тақдир этиб, ўқув-машуғул жараёнини таъминлаш мақсадида тақдир этиб, назарий тайёрларик ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, теннисчиларнинг касбий сифатларини ривожлантириш, шу-

нингдек, Ўзбекистон тарма жамоалари тайёрларик даражасини замонавий теннисни ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ошириш;
теннисчилар ва мураббийлар таркибининг касб маҳоратини ошириш бўйича тақдир алмашиш борасида хорик теннис мактаблари, академиялари ва клублари билан ҳамкорликни ривожлантириш.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тошкент теннис маркази» ОАЖ спорт мажмуасини белгиланган тартибда Республика теннис мактаби балансига бепул ўтказиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.
4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:
Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Теннис федерацияси ва «Давархитектурилиш» қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда бутун мажмуани 2008-2009 ўқув йили бошида ишга туширишни назарда тутган ҳолда Республика теннис мактаби ўқувчиларининг яшаш ва овқатланишига, ўқув-машуғул жараёни учун мўлжалланган бинолар ва иншоотларни куриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашга оид зарур лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш;

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ
Янгиликлар, воқеалар



КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДА 42-ХАЛҚАРО МЕНДЕЛЕЕВ ЎҚУВЧИЛАР ОЛИМПИАДАСИНING ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ИДРОК ВА ИЛМ КЎРИГИ

Мамлакатимиз таълими соҳасидаги ўзгаришлар кейинги йилларда юксак тараққиёт босқичига кўтарилиб бораётгани халқаро ҳамжамиятда эътироф этилаётди. Бунга Москва Давлат университети томонидан ўқувчилар орасида кимё фанидан 42-Менделеев олимпиадасини Тошкент шаҳрида ўтказиш юзасида билдирилган тақдир фикрининг исботидир.
Дарҳақиқат, юртимиз жаҳоннинг илм-фанида ўз салоҳиятига эга. Кимё фанининг янги иқтидорлари, фидойиларини кашф этишга хизмат қилиб келаётган олимпиаданинг очилиш маросимида бу ҳақда бир неча марта кайд этилди.
15 та давлатнинг ёш кимёшунослари учун ушбу форум энг аввало дўстлик, илм-фан ривожини йўлидаги бирлашув сифатида баҳоланмокда.
Тошкентга биринчи кунданок меҳрим тушиди, ниҳоятда гўзал ва файзли шаҳар экан, — дейди тожикистонлик ихтисослаштирилган лицей ўқувчиси Умиджон Кодиров. — Ўзбекистонлик ёшларнинг кўзида ўз келажаги юксак ишонч қақнаб турганини кўриб сездим. Меҳмондўстлик, самимийлик диққат-эътиборини тортиди. Бу ерда олган таассуротларим узоқ вақт ёдимда қолади.
Олимпиаданинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси байроғи ҳамда 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг рамзини байроғи тантанали равишда кўтарилди. Шундай қилиб, ҳажрон ва умидларга тўла интеллектуал ёшлар олимпиадаси бошланди.
Олимпиада доирасида мамлакатимизга таширф буюрган хорикий мамлакатлар олимлари, кимё фани ўқитувчилари иштирокчида «Мактаб кимё фанининг долзарб мумамзолари» мавзуида халқаро илмий-назарий конференция ўтказилди. Мазкур анжуманда асосий эътибор кимё фани бўйича жаҳон кимёсида эришилган энг сўнги ютуқларни тарғиб этиш, янги инновацион лойихаларни ишлаб чиқиш, бу борада илгор тақдирларни оммавийлаштириш масалаларига қаратилди. Ўзбекистон олимларининг илмий салоҳияти, бой тақдирасини ўрганиш

хусусида кўплаб фикрлар билдирилди.
Тошкент — нон шаҳри, деганда менинг кўз ўнгимда авваламбор меҳмондўст, феъли кенг, дошиманд ўзбек халқи гавдаланди. Бундай олижаноб фазилатларингиз кимё фани байрами кунларида яна бир бор намён бўлаётди, — деди жаҳамлар хайъати раиси ўринбосари, МДУ профессори Валентин Ненайденко. — Халқаро олимпиада илгари бундай юқори даражада ўтказилмаган десам адашмайман. Ўзбекистонда таълимнинг амалий устуворлиги намойиши кучли таассурот қолдирди. Бу давлат ва жамиятнинг ўз келажи ҳақида ўйлашдан далолат беради.
Мамлакатингиздаги таълим муассасаларининг замонавий моддий-техник негизини шакллантириш ва мустахамлаш, таълим-тарбия жараёнларининг янги андозалари, илгор педагогик ва технологик ангиларини жорий этиш тақдираси кўплаб давлатларга намуна бўлиши мумкин, — дея таъкидлаб ўтди Россия жамоаси раҳбари Александр Глюдили.
Мамлакатимизда кимё йўналиши бўйича олий таълим муассасасидан ташқари, Фанлар академияси таркибида ушбу соҳада тўрта илмий-тақдир институтлари фаолият юритади. Анжуманда кимё илм-фани ва саноатда эришилган ютуқларни амалиётга татбиқ этиш учун республикамизда яратилган самарали тизимни оммавийлаштириш тақдирлари ҳам билдирилди.
БҒУН олимпиаданинг илк назарий синовлари ўтказилди. Эртага эса мамлакатимиз меҳмонлари Самарқандга таширф буюрадлар.
Эслаб ўтамиз, ушбу нуфузли форумда мамлакатимиз шаънини тўрт босқичли синовлардан муваффақиятли ўтган ўн нафар ўқувчи-ёшларимиз химюя қилди. Барча ўғил-қизларимизга парвозлари ҳар доим баланд ва омадли бўлишини тилаб қоламиз.
Олимпиаданинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.
Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ
ПОЙИХА-ТАДҚИҚОТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва лицейлар, соғлиқни сақлаш объектиларини барпо этиш ва реконструкция қилиш дастурларини амалга оширишга доир қўрилган чора-тадбирлар натижасида лойиха-тадқиқот ишлари ҳажми сезиларли равишда ошганини кайд этиш зарур.
Шу билан бирга, лойихалаш ишларини ташкил этиш борасидаги ишчилик камчиликлар амалга оширилаётган инвестиция жараёнларига тўққинлик қилмокда ва уларнинг самарадорлигини пасайтиромда. Аксарият хусусийлаштирилган лойиха-тадқиқот ташкилотлари фаолияти лойиха-смета ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқиш бўйича замон талабларига жавоб берайди. Лойихалаш ишлари сифати ҳам сезиларли равишда пасайгани кузатилмокда. Бунинг натижасида ишлаб чиқилган лойиха-смета ҳужжатлари кўпичинча ваколатли экспертиза органлари томонидан қайта ишлаб чиқиш учун қайтарилмокда.
Лойиха-тадқиқот ташкилотлари амалиётга лойихалаштиришнинг замонавий услублари, жумладан, лойихалаш ишларини автоматлаштириш ва амалий дастурий маҳсулотлар султ жорий этилмокда.
Ёш ва иштиқолли лойихачи кадрларни қўпайтиришга етарли эътибор қаратил-

маётгани, республикамизнинг ушбу йўналишда олий ўқув юртиларини уларни тайёрлаш сифатининг талаб даражасида эмаслиги натижасида аксарият лойиха-тадқиқот ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларининг малакаси пастлигича қолмокда.
Лойиха-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг иштиқолли ва иқтисодий жиҳатдан самарали инвестиция ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирокчини таъминлаш, моддий-техника базасини ва кадрлар таркибининг мустахамлаш, шу асосда ишлаб чиқилмаган лойихалар сифатини жиҳдий ошириш мақсадида:
(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИК СОҲАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ЗАМИНИДА КАТТА МИҚДОРДА ҚАРИЙБ БАРЧА ТУРДАГИ Фойдали қазилмалар захираси мавжуд. Улардан янада кенг фойдаланиш келгусида иқтисодий ўсишнинг муҳим омилли ҳисобланади. БИРОҚ, БУ ҚЎШИМЧА ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. ТОШКЕНТДА «ЎЗБЕКИСТОН КАТТИҚ Фойдали қазилмаларининг инвестициявий салоҳияти» мавзуида бўлиб ўтган халқаро анжуманда шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва «Минерал ресурслар институти» давлат корхонаси томонидан ташкил этилди.
Унда республикамизнинг фойдали қазилмаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланган 60 дан ортиқ йирик корхоналари раҳбарлари, Россия, Хитой, Корея Республикаси, Франция, Япония, Австрия, Австралия, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, АҚШ каби дунёнинг 16 мамлакатидан шу соҳада фаолият юритаётган хорикий компаниялар вакиллари иштирок этди.
Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Н.Мавлонов мамлакатимизда давлат саноати раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида экспортга йўналтирилган бозор иқтисодиётини жадал ривожлантириш, шу

жумладан ер ости бойликлари захирасини ўзлаштириш учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади. Президент Ислом Каримовнинг 2007 йил 20 июлда қабул қилинган «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорикий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлди. Тегшилик ҳуқуқий база яратилди. Хорикий инвесторлар ҳуқуқларини қаролатловчи қонунлар, шунингдек, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш асосида савоатли заминимиздаги мавжуд фойдали қазилмалардан саноатда фойдаланишни кенгайтиришга хизмат қилмокда.
Мамлакатимиз ҳудудида намунали жаҳон объектиларини сирасига қирадиган олтин, уран, мис ва фосфорит конларидан ташқари,

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОНДА

- Люксембургда бўлиб ўтган Евроучликнинг ўзаро мулоқотида Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Россия Грузия билан ақил қўшничилик алоқаларини ривожлантириш тарафдори эканлигини таъкидлади.
Европа Иттифоқининг савдо масалалари бўйича комитети П.Мандельсоннинг айтишича, АҚШнинг биоёнилги ишлаб чиқаришга ўтиши жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кўтарилишига олиб келади.
Зимбабве полицияси амалдаги ҳукуматга қарши бўлган сиёсий гуруҳларни қўлга олиш бўйича операция ўтказди. Операция чоғида Демократик ўзгаришлар учун ҳаракати қарорғоҳида бир куннинг ўзида 215 киши ҳибсга олинди. Хабарларга қараганда, қамоққа олинган фуқаролар Зимбабведе амалга оширилган сиёсий жиноятларда иштирок этганлиқда гумон қилинапти.
Шарқий Тиморда исёнчиларнинг етакчиси Гастао Салсильо маъмурларга таслим бўлди. Жорий йилнинг февраль ойида мамлакат президенти Жозе Рамуша Ортага уюштирилган суикасдининг ташкилотчиларидан бири ҳисобланмиш Салсильо ва унинг тарафдорлари мамлакат пойтахти Дилидаги ҳукумат уйда ҳибсга олинди. Бу жараёнга Глено шаҳрида мамлакат маъмурлари ва исёнчилар билан олиб борилган музокаралар сабаб бўлди. Тез орада суикасд қатнашчилари устидан суд жараёни амалга оширилди.
Кеча Венесуэла ҳудудининг 40 фоизга яқин қисми электр қувватининг қолди. Бунга иссиқ об-ҳаво шароитларида электр қувватини ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш сабаб бўлди. Натижада мамлакат пойтахти Каракасда метро ҳаракати тўхтади, кўплаб уяли телефонлар ишламаяпти.
Кеча Пекинда ёзги Олимпиадага юз кун қолганлиги кўпчилик хитойликлар томонидан зўр қувонч билан нишонланди. Шу кунни 2000га яқин полициячилар иштирокида Олимпиадада хавфсизликни таъминлаш машқлари ҳам ўтказилди.
Гонконг Олимпия машъаласи эстафетасини қабул қилишга тайёрланмокда.
Кеча Индонезиянинг шарқий қисмида Рихтер шкаласи бўйича 6,1 баллик ер қимирлаши қайд этилди. Вайронагарчилик ва қурбонлар тўғрисида маълумотлар йўқ.
Кеча Санкт-Петербургдаги Михайлов театрида машҳур «Спартак» балети янги талқинининг тақдироти бўлиб ўтди. Мюзикл жанрида саҳналаштирилган ушбу балет воқеалари давомида ҳақиқий йўлбарслар ҳам саҳнага чиқади.

Касба сатрларда

- ЮНУСОБОД туманидаги 272-мактабда айни кунларда «Биология фани ойлиги» тадбири ўтказилмокда.
КЕЧА Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида туман мактабларо «Саломатликнинг ёш дўстлари» мавзуида ўтказилган тадбир Республика Кизил Ярим Ой жамиятининг Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан уюштирилди.
БҒУН Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи бичиш-тиқиш тўғраги аъзолари иштирокида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Ораста бўлайлик» деб номланди.
«БҒНЁДКОР» ёшлар телеклубида фаол ёшлар иштирокида уюштирилган анжуман «Ахборот глобаллашуви ва унда ОАВнинг иштироки» деб номланди.
(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ ТЕННИС МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

2008 йилнинг 1 августигача Республика теннис мактабининг бинолари ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ яқунлишини таъминлаш.

5. Белгилансинки: Республика теннис мактабига фақат танлов асосида, теннис клублари ва спорт мактабларида дастлабки тайёрликдан ўтган, теннис билан шуғулланиш учун зарур спорт алоқаларига ва юқори даражада теннисчиларни тайёрлаш учун тегишли салоҳиятга эга бўлган иқтисодий йигит ва қизлар орасидан қабул қилинади;

Республика теннис мактаби ўқувчилари юқори тоифали теннисчиларни тайёрлаш мақсуд дастури бўйича, теннисчиларни тайёрлаш кенг халқаро тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқитилади; Республика теннис мактаби ўқувчиларнинг бадаллари, ҳомийлар ҳамда Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Республика олимпия захиралари теннис мактабининг Васийлик кенгаши иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг биргаликдаги тақдирномаси бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигига янгитдан ташкил этилаётган Республика теннис мактаби бинолари ва иншоотларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, қуриш, реконструкция қилиш ва муқаммал таъмирлаш ҳамда уларни жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмларини қайта тақсимлаш йўли билан қўшимча капитал қўйилмалар ажратилишини назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2008 йилда ўқувчиларни оқат, спорт буюмлари, форма, асбоб-ускуналар ва анжомлар билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, Республика теннис мактаби таъминоти учун маблағларни излаб топсин, 2009 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 29 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЛОЙИХА-ТАДҚИҚОТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

1. Низом жамғармасида давлат улуши қамда 51 фоизни ташкил этадиган етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Куйдагилар қайд этилган етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда иштирок этиш; илгор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда, лойиҳалаштиришнинг замонавий ва илмий жиҳатдан асосланган технология тартибини ишлаб чиқишда иштирок этиш; объектларни автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаштиришнинг, жумладан, қурилишнинг илгор ва янги турдаги қурилиш материалларини қўллашни кўзда тутадиган замонавий технологияларни жорий этиш; муаллифлар томонидан лойиҳалаштирилган объектлар қурилишининг барча босқичларида сифатли муаллифлик назоратини таъминлаш;

илмий-тадқиқот институтлари ва етакчи олий ўқув юрларини жалб этган ҳолда, юқори технология услублар ва усқуналарни халқаро стандартлар даражасида қўллашни кўзда тутадиган лойиҳалаштириш жараёنлари татбиқ этиш бўйича таклифлар тайёрлаш; ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юрлари талабаларининг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ўташида, ўқитувчиларининг тажриба орттиришида, уларга автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаштиришнинг замонавий технологиялари бўйича материаллар ҳамда услубларни тақдим этиш борасида қўллашсин.

2. Ўзбекистон Республикасида Лойиҳалаш ишларини тақомиллаштиришга оид комплекс тадбирлар 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига қуйдагилар вазифалар юклатилсин: етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотларининг лойиҳалаш фаолиятини мувофиқлаштириш;

шаҳарсозлик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари буюртмачиси бўлиш, бу мазкур иш-

ларни қурилиш меъёрлари, қоидалари ва стандартларига қиритишни, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида янги концепцияларни яратишни ҳам ўз ичига олади.

4. 2008 йилнинг 1 майдан етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари асосий фаолият тури бўйича 3 йил муддатга фойда ва мулк солиғини тўлашдан, шунингдек, давлат улуши бўйича дивидендларни беришдан озод этилсин, бўшаган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда мутахассислар малакасини оширишга мақсадли йўналтирилсин.

Белгилансинки, солиқ солишдан бўшаган маблағлар, шунингдек, давлат улуши бўйича дивидендлар 1-иловага мувофиқ белгиланган тартибда етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари низом жамғармаларига давлатнинг қўшган ҳиссаси сифатида капиталлаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсуд таълим вазирлиги 2008 йил 1 июлга:

Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент кимё-технология институти раҳбарлари ҳамда ихтисослашган кафедралари мудириларини аттестациядан ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда юқорида номлари қайд этилган олий ўқув юрлари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида техника йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган бошқа олий ўқув юрларида ўқув режалари ва дастурларини қайта қўриб чиқсин, бунда санаят, инфратузилма ва фуқаролик объектларини лойиҳалаштириш соҳасида лойиҳалаш ишини ривожлантиришнинг халқаро стандартлари ҳамда йўналишларига мувофиқ тарзда замонавий фикрлайдиган, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 29 апрель

ҲАМКОРЛИК СОҲАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда қурилиш жадал суръатда ривожланиб бораётгани сабабли турли қурилиш материалларига бўлган талаб ҳам ортмоқда. Айни пайтда республикамиз кидириб топилган йирик қазилмалар ва келажақда баҳорат қилинган ресурсларга бой бўлишига қарамай, Ўзбекистонга ҳар йили 2 миллион тоннага яқин норузда хомаша ва улардан тайёрланган махсулот олиб келинмоқда. Импортни қайтариш бундай қонларни ўзлаштириш суръатини оширишга ёрдам беради.

Анжуманда тоғ-кон тармоғини, жумладан, қўшимча инвестициялар жалб қилиш ҳисобидан, янада ривожлантириш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун Ўзбекистонда қўлай инвестиция муҳити яратилган. Амалдаги қонунчиликда чет эллик инвесторларга қафолатлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, кенг қўламли солиқ ва боғжона имтиёзлари кўзда тутилган.

Тадбирда иштирок этган бўлажак инвесторлар эътиборига қазиб олишда иштирок этиши мумкин бўлган, ҳали ўзлаштирилмаган, бироқ истиқболли 400 дан ортик кон завола этилди. Бу конлар ички ва жаҳон бозорларида харидоригир 40 турдан зиёд минерал хомашини ишлаб чиқариш учун хомаша базасига айлангани мумкин.

Бундан ташқари, анжуман доирасида бўлиб ўтган давра суҳбатида бундай инвестициявий ҳамкорликнинг ривожланиш имкониятлари ҳам атрафлича муҳокама этилди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва Жанубий Кореянинг "Шингонг Энерком Ин" компанияси ўртасида яқинда очилган қатор кварцит конларини ўзлаштириш бўйича дастлабки протокол имзоланди.

— Ўзбекистон бозорига 1991 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқдамиз ва бизга чет эллик инвестор сифатида мамлакатингизда барча шарт-шароитлар ташкил этилган, —

дейди ушбу компания президенти Ким Юн Сок. — Ўзбекистон раҳбарияти томонидан иқтисодиётингизга чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қўлай имкониятлар яратиб берилган. Фаолиятимизни пахта толасини экспорт қилишдан бошлаган бўлсак, бугун тўқимачилик, қурилиш, санаят, фойдали қазилмаларни ўзлаштириш соҳаларида ҳам меҳнат қилмоқдамиз. Яқин келажақда тузилган шартномалар бўйича ҳамкорликда қуёш батареялари учун зарур элемент — микрокристалл кремний ишлаб чиқаришни ривожлантиришни режалаштирмақдамиз. Бундан ташқари, анжуманда бошқа кўлаб қизқарли лойиҳалар билан танишиш ва уларни амалга оширишда компаниямиз ҳам иштирок эта олишига умид қиламан.

Тадбир якунларига кўра, фойдали қазилмаларни ўзлаштиришда бошқа хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари қўриб чиқилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.Санақулов иштирок этди.

Д. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири

2008 — Ёшлар йили

ОИЛА ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

ЁШЛАР МИЛЛАТ ВА ЮРТ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛОВЧИ УЛКАН КУЧДИР. УЛАРНИНГ БИЛИМИНИ, МАЪНАВИЯТИНИ ОШИРИШ, АҚЛ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ ФЙДАЛИ ИШЛАРГА САРФЛАШЛАРИ ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИНИНГ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги ёшларнинг қалбига фахр-ифтихор туйғуларини яна ҳам оширди. Бу ёшларимизнинг келажақдаги орзу ва умидларига етишларида катта имкониятлар эшигининг очилишидан далолатлади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ёшлар мактабларда, турли касб-ҳунар коллежларида, лицей ва олий ўқув юрларида тахсил олиб ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар. Шу билан бирга жамиятимизда олиб борилаётган ислохотлар, янгиликлар, ёшларнинг ўқиши, ишлаши ва яшаши учун яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида ҳар кун матбуот орқали хабардор бўлиб борадилар.

Бугунги кунда ёшларни мустақил ҳаётига йўлловчи «Наврўз» никоҳ уйи ходимлари ҳам нафақат никоҳга кирувчи ёшлар билан, балки Чилонзор туман ҳокимияти билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежларида, маҳаллаларда ёшларимизнинг маънавий жиҳатдан етук бўлишлари, ўз ҳуқуқ ва бурчларини муқаммал тушунишлари учун ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Жойларга чиқиб, ёшлар билан давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилапти. Бундан мақсад, келажақда оила қурувчи ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий билимларини ошириш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни оила қуришдаги муаммолар

ечимини топишга, энг аввало шу муаммоларга дуч келмасликларини ўргатиш. Бир сўз билан айтганда, мустаҳкам, ибратли оилани бекаси, эгаси бўлишларига ёрдам бериш. Булажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилашда замон талабларини тўри тушуниш, оила қонунчилиги, тиббий қуриқнинг аҳамияти, соғлом турмуш тарзи, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс қилиб тарбиялаш асосларини тушутиришдан иборат.

Шуни айтиш жоизки, 2007 йилда «Наврўз» никоҳ уйи Чилонзор туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Оила-муҳаббат қасри» номи ёшлар учун ўқув мактаби ташкил қилган. Бу ўқув курси икки йилга белгиланган бўлиб, 2008 йил июнь ойида якунланади. Мактаб тингловчилари тумандаги барча ўрта махсуд, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчилари, маҳаллалардаги балогат ёшига етган йигит-қизлар, туман ФХДБ бўлими ва «Наврўз» никоҳ уйига ариза берган оила қуриш бўғасасидаги келин-куёвлардан иборат. Улар етук ҳуқуқшунослар, тиббий ходимлари, олимлар, соқоллоглар, руҳшунос ва турли соҳа шифокорлари, соҳа мутахассисларининг маърузаларини тинглаб, улардан ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олишмоқда.

Мақсадимиз, мустақил турмуш оstonасига қadam қўётган ёшларимизнинг оила деб аталмиш муқаддас қўрғонлари мустаҳкам бўлиши, бахтли-саодатли ҳаёт кечирिशлари учун тўри йўл кўрсатиш, керакли маслаҳатлар беришдан иборат. Зеро меҳр-муҳаббат, садоқат ҳамда тотувлик, соғлом оила бахтли ва фаровон турмуш асосидир.

Сабобат ЭШМОНОВА, «Наврўз» никоҳ уйининг 1-тоифали иш юритувчиси

Воқеа арафасида

ПОЙТАХТ САНОАТИ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

1-3 МАЙ КУНЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА 1-ТОШКЕНТ ШАҲАР САНОАТ ЯРМАРКАСИ ЎТҚАЗИЛАДИ.

Мазкур йўналишдаги тадбирдан қўзланган мақсад — авваломбор ишлаб чиқариш қушларини бирлаштирган ҳолда корхоналарнинг ички имкониятларини амалда кенгроқ жорий этиш ва шубҳасиз, маҳаллий тарзда янги технологиялар яратиш орқали рақобатбардор махсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва импортни кескин қисқартиришдир.

— Маълумки, — дейди шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармаси бўлим бошлиғи Максим Бовов, — ўтган йили пойтахтимизда мамлакатимиз Президентини Фармонлари билан илк марта республика санаят ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда 250дан зиёд санаят корхоналари иштирок этди. Шаҳримиздан 34 та турли мулкчилик шаклига мансуб ишлаб чиқариш субъектлари ўз махсулотлари билан қатнашиб, деярли 65 миллиард сўмга тенг шартномалар имзоланди. Фармонда шунингдек жойларда минтақавий ҳамда тармоқлар ўртасида ҳам шу каби ярмаркаларни анъанавий йўлга қўйиш белгиланган бўлиб, шаҳримизда бу борада катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Пойтахтимиз санаят салохияти намойиш этиладиган кўргазмада, ният қиламизки, йирик ҳамда кичик санаят корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланиб, иқтисодий имкониятларимизнинг самардорлиги бундан-да ошади.

1-шаҳар санаят ярмаркаси Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмасида ташкил этилмоқда.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА

Иқтисодиёт

«ИРОДАТ» ФИРМАСИ ЁРЛИГИ БИЛАН

ҲАР БИР СОҲА ХОДИМИ УЧУН ҚУЛАЙ, БЕЖИРИМ, ЗАМОНАВИЙ ИШ ҚИЙИМЛАРИ УЛАРНИНГ САМАРАЛИ МЕҲНАТ ҚИЛИШЛАРИДА, ЎЗЛАРИНИ ЎНҒАЙСИЗ СЕЗМАСЛИКЛАРИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

«Иродат» тикучилик фирмаси мутахассислари шу босис ҳам ўзларининг 10 йилдан зиёдин ташкил этган фаолиятлари давомида ана шундай коржома — иш қийимлари тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишди. Ўтган давр мобайнида яхши тажриба тўпланди ва шундан бўлса керак бугун тадбиркорлар қўлаб соҳа ходимларининг меҳнатларига мос ва ўзларига хос либосларни таклиф этмоқда, бююртмаларни эса тез ва соз бажаришмоқда. Бунда албатта энг замонавий бичув ва тикув дастгоҳ ва машиналари ёрдамидан унумли фойдаланилапти.

«Иродат» фирма ёрлиғи билан тикилаётган қўлақ, ҳалат, қуртка, нимча, шапка, шим, қўлқоп ва бошқа керакли ашёлардан савдо ва тиббиёт ходимлари, тоғ-кон ишчиларини ошпазлар, меҳмонхона хизматчилари, транспортчилар ҳамда бошқа қўлаб тармок ишчи-ходимлари кенг фойдаланишмоқда. Қийим-кечақларни тайёрлашда эса маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланилмоқда.

БЕЗАКЛИ ОЙНАЛАР

БЕЗАКЛИ ОЙНАЛАР, ОДИЙСИДАН КЎРА ҚЎРИНИШИ, ЧИРОЙИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ ВА ХОНАДОН ЭШИКЛАРИ, МЕБЕЛЛАГА ЎРНАТИШДА УНДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИЛАДИ.

Чунки бундай махсулот хонадонга ҳам, мебель жиҳозига ҳам ўзгача фойза бағишлайди. Шу босис ҳам хозирда ана шундай безақли ойналар бунёдкорликда, мебелсозликда қўл келмоқда. «TEXNOINVEST-ST» корхонасида ҳам Германия технологиялари асосида ойналарга турли безақлар бериш, янги бадий махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхона мутахассислари изланишлари босис илгор технологиялар асосида ойнага нафақат ишлов берилади, балки юқори бадийлик акс этган товарлар тайёрланади. Бунда уларнинг ҳақиқий маҳорат ва иқтидорлари намойен бўлади.

Бугунги кунда махсулотлари турини кўпайтиришга интилаётган корхона аҳли қўлаб ташкилотларнинг бююртмасини муваффақиятли бажармоқда.

ИҚТИДОРИ БАЛАНД

ЁШ ВА ИҚТИДОРЛИ ХУНАРМАНДЛАР ОРАСИДА ХАЛҚ АМАЛИЙ ХУНАРМАНДИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС УЛМАС ЙЎНАЛИШЛАРИДАН ҲИСОБЛАНГАН ЁҒОЧ УЙМАКОРЛИГИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ КЕЛАЁТГАН САИДАЗИМ РАШИДОВ ЖОРИЙ ЙИЛНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАДИ.

У жорий йилдаги «Ташаббус — 2008» қуриқ-танловининг Учтепа туман босқичида ўзининг ёғоч уймакорлиги махсулотлари ва иқтидорини намойиш этиб, «Энг яхши хунарманд» номини қўлга киритди.

— Мамлакатимизда хунармандчилик ривожига жуда катта эътибор қаратилмоқдаки, бу албатта биз каби ёшларнинг ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган гўзал хунарларга меҳримизни янада оширадиган, — дейди Саидазим Рашидов. — 10 йилдан буён, янги болалигимдан ушбу хунар билан шуғулланаётган бўлсам, бунда устозим, моҳир ёғоч уймақори Акмал Азларовнинг кўмаги ва ўғитлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёғоч уймакорлигининг Тошкент йўналишида меҳнат қилар эканман, келгусида ўз изланишларим билан унинг ривожига муносиб ҳисса қўшишга интиламан.

Саидазим тайёрлаган ёғоч уймакорлиги бююмлари орасида ижодий изланишлар самараси бўлган турли шакл ва ҳажмдаги фигурали қутилар, лаган, лахв, шахмат тахтаси, курси ва қаламдонлар бор. Шунингдек, ёш уста Россия давлатидан тушган бююртма — эшик ва ромлар тайёрлашда ҳам фаоллик кўрсатди. Айни пайтда ёғоч уймақори янги махсулотлар яратишга ҳаракат қилган ҳолда эскизлар тайёрламоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА





МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО ХИКМАТЛАР

Уйкудаги ҳолатлардан энг яхшиси ўнг томонни босиб, кейин чап томонга айланиб ётишдир. Қоринни босиб ётиш ҳаммага яхши ёрдам беради. Чунки бундай ётиш тўғрисида иссиқликни тўғрив ва (газда ичига) қамаб қўлайтиради. Чалқанча ётиш ухлашнинг ёмон шакли бўлиб, (кишини) сақта, фалаж ва босинқираш каби ёмон касалликларга тайёрлайди.

Кишда соғлом кишилардан камдан-кам киши касал бўлади.

Секин ва узок вақт юриши ҳам оғриқни қолдирувчилардандир. Чунки (юринишда) бўшаптириш ва юмшатиш таъсири бор.

Энг яхши гўшт кўй гўштирдир, чунки у иссиқ ва юмшакдир. Улок, бузоқ ва ёш хайвонларнинг гўшти ҳаммага энг яхши бўлиб, гизоси жуда латифдир.

Гўшт гавдани қувватли қилувчи гизодир. Овқатларнинг ичида қонга айланувчиси гўштдир.

Шароб маст қилади, ухлатади, эслаш қувватини йўқотади ва нафсоний қувватларни туширади. Шаробни доимий ичиш асабларга зарарли бўлиб, қалтирокликни пайдо қилади; узок вақтгача ҳар куни маст бўлиш, асабларда сустлик ва кучсизлик туғдиради. Уртача ичилган вақтда овқатта иштаҳа туғдиради. Кўп ичилган вақтда жигар ва буйрақларда тиклама ҳосил бўлади. Шаробни кам ичилса, у овқатни ўтказмай, ҳазми яхши қилади, овқатнинг қонга айланишини тезлатади ва заифланган иштаҳани оширади.

Нон тоза, тузли, хаами яхши ишланган, оширилган ва тандирда яхши пиширилган бўлиши ва бир кеча тўхтатилиб ёйилиши керак. Иссиқ нонни киши табиати яхши қабул этса-да, уни иссиқ ҳолида ёйиш яхши эмас.

Сут инган киши тинч ҳолда туриши керак, акс ҳолда, сут меъдада ачийди ва бузилади. Сутдан истеъмол қилгач, пастга ўтмагунча ухламаслик ҳам унинг устига бошқа овқат емаслик керак. Сут иссиқ мизожли ёшлардан кўра, ёши улгайган кишиларга кўпроқ ёқди. Чунки у ёшларда сафрода айрилиб кетади. Сут кекса кишиларга уларнинг табиатида ҳўллик ҳосил қилгани ва уларда бўладиган қичимани йўқотгани сабабли фойда қилади. Аммо уларнинг сутни ҳамма қилишлари асал билан ёрдам бериш керак. Сут кўпинча ўз ишини ички суриш ичакларидаги чиқиндиларни чиқариб ташлашдан бошлайди.

Бош оғриғи сабабининг тўхтатиш заруриги ва зидди билан унга қарши туриш заруриги жиҳатидан бошқа касалликлар билан бир қаторда туришигини сен биласан. Бош оғриғини кетказиш учун ундан кейин қиладиган фойдали тадбирлар оз ёйиш, оз ичиш, айниқса, шаробни оз ичиш ва кўп ухлашдан иборат. Кўп ёйиш чўзилган бош оғриғида зарар бергани каби ҳаддан ташқари оз ёйиш ҳам иссиқ мизождан бўлган бош оғриғига зарар етказиши мумкин. Бош оғриғини йўқотиш учун осойишталикдан, шунингдек, жинсий алоқа ва узок фикр қилиш каби моддани ҳаракатлантирувчи нарсаларни тарк қилишдан кўра фойдали иш йўқдир.

Ичкиликка келсак, буни қорин тўлгунча ичиш жуда зарарлидир, ози эса кишини шодлантиради, руҳни кучли ва зийрак қилади, кўп сув ичишга ҳожат қолдирмайди.

Ишқ васваса ва меланхолияга ўхшаш бир касаллик бўлиб, киши у касалликни, кўпинча маъбуднинг баъзи бир кўриниш ва хулқларини яхши кўришга ўз фикрини бўйсундириш орқали ўзига қачқариб олади.

Ошиқни турли ишлар ва тортишларга, қисқаси ишқни унуттирадиган нарсаларга овора қил, бу тадбир, кўпинча уларни қўйиб қўйиб нарсага унуттиради.

Тутқанқоннинг сабаби тўхтатиш пайдо бўлишидир, кўпинча у миянинг олдинги қоринчасига етган зарардан пайдо бўлган умумий тиришиш сабабли вужудга келади.

Тошкент шаҳри «Шайхонтоҳур» туманидаги 4-касбхона мактаби томонидан 2001 йилда Нигматова Наима номига берилган рўйхатдан ўтказилган рақами 15501 бўлган, КХТ 213585 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР КИЛИНАДИ.

Футбол

«ҚУРУВЧИ»

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ ЛИГАСИ БЕЛЛАШУВЛАРИ ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ. ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИДА ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН ТОШКЕНТИНГ «ҚУРУВЧИ» ВА «ПАХТАКОР» ЖАМОАЛАРИ МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТДА ҲАМ ЧЕМПИОНЛИК УЧУН ТЎП СУРМОҚДА.

Еттинчи турда «Курувчи» футболчилари галабали одимини давом эттирди. Миржалол Қосимов шогирдлари Олмаликда олий лига дебютанти — «Олмалик кон-металлургия комбинати» жамоаси меҳмони бўлиб, еттинчи дақиқада Анвар Солиев томонидан киритилган гол эвазига 1:0 ҳисобида зафар кучди.

Мусобақалар

ШАҲРИМИЗ ЖАМОАСИ — ШОҲСУПА ТЎРИДА

КУНИ КЕЧА ЁНГИН ҲИМОЯЧИЛАР АМАЛИЙ СПОРТИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ЧЕМПИОНАТИ ПОЙТАХТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТДИ. ЧЕМПИОНАТ ИИББ ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК МАРКАЗИ СПОРТ МАЖМУАСИДА ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ЎТКАЗИЛДИ.

Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси ёнгин хавфсизлиги хизмати тизимидан келган терма жамоалар иштирок этдилар. Улар бир неча йиллардан буён аънанавий равишда ўтказилаётган чемпионатда ўз кучлари, маҳоратлари, элчил ва жасоратли эканликларини намойиш қилиб келмоқдалар. Шунинг учун бўлса керак, бундай мусобақалар кўплаб ёшларимизни ўзига жалб этмоқда.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг факулдада ходимлар оқибатларини бартараф этиш, жанговар тайёргарлигини ошириш, жисмонан бақувват ҳамда руҳан тетик, билим савиялари, касб маҳоратлари юксалтиришини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Тошкент шаҳри ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан ушбу чемпионатга пухта тайёргарлик кўрилганлиги натижасида, мусобақа юқори даражада қизиқарли ва ажойиб тарзда ўтказилди.

Мусобақалар ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватида кўтарилиш тури билан бошланди. Ўз юқори касб маҳоратларини намойиш этган Тошкент вилояти терма жамоаси ушбу тур бўйича умумжамоа ҳисобида фахрли 1-ўрин, Тошкент шаҳри терма жамоаси 2-ўрин, Қашқадарё терма жамоаси 3-ўринни эгалла-

ЧЕМПИОНЛИКНИ КЎЗЛАМОҚДА

«Машъал» (Муборак)ни доғда қолдирди. Шерзод Ҳақимов томонидан киритилган гол эвазига 1:0 ҳисобида зафар кучди. Иккинчи ўринда бораётган ўтган йилги чемпион — «Пахтакор» эса ўз мухлислари кўз ўнгида «Металлур» (Бекобод)ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Владислав Кириян ва Александр Гейрихнинг биттадан голи пахтакорчиларнинг умумий ҳисобда ўн етти очко жамғаришига замин яратди.

Турнинг марказий учрашувига Фарғона шаҳри мезбонлик қилди. Ўн беш мингга яқин мухлис гувоҳлигида ўтган баҳсда «Нефтчи» футболчилари

учинчи ўринда бораётган «Машъал» (Муборак)ни доғда қолдирди. Шерзод Ҳақимов томонидан киритилган гоғна гол фарғоналикларга навбатдаги уч очкони келтирган бўлса, «Машъал»ни бешинчи поғонага тушириб юборди.

Муборакликларнинг очко йўқотишидан асосий таъкибчилар — «Насфа» (Қарши) ва «Сўғдиёна» (Жиззах) унумли фойдаланди. Қаршиликлар ўз майдонида «Андижон»ни қабул қилган учрашувда Александр Мерзляков ва Жасур Бобоев водийликлар посбонини ўз дарвозасидан иккита тўп олиб чиқишга мажбур қилди — 2:0.

бунинг натижасида 1-ўрин Қашқадарё вилояти терма жамоасига насиб этди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ушбу чемпионат хар 5 йилда ўтказиб келинади. Унга жамоалар сиздиқилдан тайёргарлик кўрадилар. Бу сафар Тошкент шаҳрида ўтказилган мусобақаларга масъул этиб Тошкент шаҳри ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси Жанговар тайёргарлик бўлими бошлиғи подполковник С.Ахроров тайинланган эди. Мусобақанинг ниҳоятда кўтаринки руҳ ва қизиқарли тарзда ўтказилгани бўлган ходимларнинг тинимсиз қилган меҳнатларидан далолатдир.

Чемпионатнинг сўнгги тури энг қизиқарли жамоавий беллашувлардан бири бўлган, ёнгин ўчириш автомобилидан жанговар ёйилиш ҳисобланади. Бунда тез ва аниқ ҳаракат қилган Самарқанд вилояти терма жамоалари 82,54 сония вақт билан фахрли 1-ўринни эгалладилар.

Турлар якуни ҳам чакки бўлмади. Чинакам тер тўкиб, ўз касбий маҳорати ва билиминини намойиш эта олган жамоалар машаққатли ва масъулятли беллашувда бошларини баланг кўтариб голиблик натижасини сурдилар. Уларнинг бўйича тақилган голиблик нишонини барчанинг ҳавасини келтирди. Умумжамоа ҳисобида чемпионатда биринчи ўринга Тошкент шаҳри жамоаси, иккинчи ўринга Самарқанд терма жамоаси ва учинчи ўринга — Бухоро вилояти терма жамоалари сазовор бўлдилар. Мусобақада қатнашган барча жамоа иштирокчиларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муслима РАҲИМОВА Тошкент шаҳри ИИББ ЁХБ муҳандиси катта лейтенант

ЯНГИ ЛИБОСЛАР НАМОЙИШИ

МИЛЛИЙ САҲЪАТ МАРКАЗИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҲЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН БАҲОРНИ ВА ЁЗИ МАВСУМ ЛИБОСЛАРИ КОЛЛЕКЦИЯСИ НАМОЙИШ ҚИЛИНДИ. УНДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ДОМ СТИЛЬ» МОДАЛАР УЙИ МОДЕЛЬЕР-ДИЗАЙНЕРЛАРИ ЯРАТГАН ЯНГИ ЛИБОСЛАР ТОМОШАБИНАР ЭЪТИВОРИГА ҲАВОЛА ЭТИЛДИ.

Саҳъат, таълим, илм-фан, маданият, спортнинг барча йўналишларида самарали фаолият олиб бораётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга таъбиқ этишга яқиндан қўмақлашиш «Ўзбекистон маданияти ва саҳъати форуми» жамғармаси фаолиятининг муҳим йўналишларидандир.

Жамғарманинг мода ва дизайн соҳасида изланаётган бир қатор ёшларни кашф этиш, уларнинг иходини юртимиз ва хорижда кенг тарғиб этиш борасида олиб бораётган ибратли ишлари бунинг далилидир.

Модалар намойишда Дилдора Қосимова, Марат Нейматов, Саодат Муродшўжаева, Лариса Беляя, Марҳамат Умарова, Нилюфар Ахмедова, Гуля Раззоқова, Шерзод Отабоев, Анна Ким, Артём Дробинцев каби ўз услуби ва йўналишига эга дизайнерлар билан бирга Пахлавон Турдиев, Зулфия Султонебова, Озода Садуллаева, Камола Акромова каби уюнди модельер-дизайнерларнинг иходий ишлари ҳам намойиш этилди.

«Гуллар таронаси», «Хонатлас жилолари», «Сахро гуллари», «Шарқ таровати» сингари янги либослар тўпламлари миллий услуби, оддийлиги ва аниқ пайтда бетақорлиги ҳамда жозибаси билан томошабинларда катта қизиқиш уяғоти.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Мунажжим башорати

1 МАЙ, ПАЙШАНБА

Бугунги кун рамзи Тошбақа бўлиб, ёлғизлик ва сусткашликни билдиради. Мазкур ой куну қуввати инсонлар онига худди шу тарзда таъсир ўтказиши, дейишда мунажжимлар. Ҳеч бир нарсда шохшоқликка йўл қўйиш мумкин эмас. Ҳатто сайру саяҳатда ҳам бемалол ҳаракат қилиш маслаҳат берилади.

Бугун тўй маросимлари, зёб-зийнатларни тақиб юриш, саяҳатлар, узок юришлардан сўнг уйга қадам ранжида этиш, транспорт воситалари ва нуфузли кишилар билан боғлиқ ишлар хайрли бўлиши кутилади. Ҳозир дилинғиздагиларни ичингизда сақламай, ҳамфирқ ва хайрихоҳ кишиларнинг биз билан баҳам қўриш тасвия этилади.

Тана терилари заифлашган ҳолатда бўлади, аллергия хасталиги хуруж қилиши хавфи бор. Суякликларни, алкоғолни кўп истеъмол қилиш, дори-дармонларга ружу қўйиш тақилланади. Сегиз аъзолари, жигар ва оёқларда жарроҳлик операцияларни кечкириб турган маъқул. Оёқлар касалликларга жуда сезгир бўлиши муносабати билан камроқ юриш, пойабалинғиз қўлай бўлишига интилиш керак. Қорин бўлишидаги операциялар, танани тазаловчи муолажалар яхши самара беради.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича худудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони таллавлари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Худудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

ХўРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пайтахтининг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш касаллари ва почта бўлимларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Нашрни етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босяохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2008 йил 30 апрелдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилаётган корхоналар рўйхати:

Table with 8 columns: №, Корхона номи, Мақоми, СТИР, Рўйхатта олинган қарор санаси ва рақами, ХТУТ (ОКРО), Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси. Rows include AV ILYOS MEROS SAVDO, AGROTEXNOSERVIS, AGROSTROY ENGENEERING, IDILIYA NEW, ATINNET SERVIS, ТИНЧЛИК, VOSTOCHKA, DECHOLL-TRADE, ROYAL EXPO, OTABEK GAZ SERVIS, CABIN SERVICE ELITE, DELTA MAX ASSET MANAGEMENT, ORALBAY VA MOXINUR, PLANETA-FOOD-BIZNES.

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган Миробод тумани ҳокимлигининг махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги «VOSITACHI ZIYO» ташкилоти тугатилади. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 128-55-36 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Фёдорова кўчаси, 1а-уй манзилида жойлашган «Алуком-Сервис» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар 2 ой давомида 787-69-47 телефони орқали қабул қилинади.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ. Буюртма Г-306

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босяохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6